

Муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Эрон ва Украина элчиларини қабул қилдилар



18:40 / 29.04.2024 1522

Бугун, 29 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Эрон Ислом Республикаси ва Украина давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиларини қабул қилдилар.

Куннинг биринчи ярмида муфтий ҳазратлари Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Али Искандарий жаноблари билан мулоқот ўтказдилар.

Самимий учрашувда муфтий ҳазратлари юртимиздаги диний-маърифий соҳадаги ўзгаришларни баён қилиш баробарида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги яқин дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланаётгани,

қадимдан икки халқни ягона дин ва муштарак мақсадлар бирлаштириб туриши, сўнги йилларда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тез суръатларда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, иқтисодий ва маданий алоқалар янги босқичга кўтарилгани, илмий-маърифий, маданий ва зиёрат туризми йўналишларида ўзаро ҳамкорлик яхши самара бераётгани қайд этилди.

Муҳаммад Али Искандарий Ўзбекистон тараққиёт йўлида дадил одимлаётгани, мазкур ўзгаришларга эришишда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўрни катта эканини билдирди.

Элчи жаноблари Ўзбекистон мусулмон оламида катта нуфузга эга давлат эканини эътироф этиши баробарида диний-маърифий соҳада алоқаларни ўрнатиш, қўлёзмаларни биргаликда тадқиқ этиш, турли тадбирлар ўтказиш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш муҳимлигини маълум қилди.

Куннинг иккинчи ярмида Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Украинанинг Ўзбекистондаги элчиси Микола Дорошенко жанобларини қабул қилдилар.

Ўзаро мулоқотда муфтий ҳазратлари дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланган Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги дўстона алоқалар ривожланаётгани, ўтган даврда илмий-маърифий ва маданий муносабатлар раванқ топаётганини алоҳида қайд этдилар.

Элчи жаноблари Украина кўп конфессияли, турфа хил миллатли давлат эканини билдириш баробарида ушбу мамлакатдаги динлар тарихи ҳамда эътиқод қилувчиларга яратилган шарт-шароитларни баён қилди. Шунингдек, у ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга бор куч-ғайрати, билими ва тажрибасини қаратишга тайёр эканини изҳор этди.

Элчилар самимий қабул учун миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати